



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 1 январь, № 1 (5168)

Шанба

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!
Қадрли дўстлар!

Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда байрам дастурхони атрофида жамулжам бўлиб ўтирган сиз азизларни, бутун Ўзбекистон халқини қутлуг қадами билан юртимизга кириб келаётган янги — 2011 йил билан самимий муборакбод этиш ва энг эзгу тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

Айни шу лаҳзаларда барчамиз ўтиб бораётган йил давомида бошимиздан кечирган, эл-юртимиз ҳаётида рўй берган унутилмас воқеаларни, қувонч ва ташвишларни беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтказиб, шу кунларга соғ-омон етказгани учун Яратганимизга шукроналар айтишимиз, ҳаётнинг қадр-қимматини яна бир бор англашимиз табиий, албатта.

Яқунига етаётган йилни кузатар эканмиз, бугунги шиддат билан тез ўзгараётган замонда, аввало, ён-атрофимизда юз бераётган нотинчлик ва беқарорлик, қарама-қаршилик туфайли вазият тобора кескинлашиб, мураккаблашиб бораётган бир пайтда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик, осуда ҳаётни сақлаш, жамиятимизда кучайиб бораётган ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, миллатлар ва элатлар ўртасидаги тотувлик ва ҳамжиҳатликнинг қадрига етиш, асраб-авайлаш нақадар муҳим эканини яна ва яна қалбимиздан, юрагимиздан ўтказамиз, десам, ўйлайманки, ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Биз 2010 йил мобайнида қандай ютуқ ва марраларга эришган бўлмайлик, албатта, уларни қийинчиликсиз, осонлик билан қўлга киритганимиз йўқ.

Шу маънода, қайси соҳани олмайлик, бу қишлоқ хўжалиги бўладими, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалар бўладими, ўтган йил давомида қанча-қанча машаққатли синов ва муаммоларни енгиб ўтишга тўғри келганини таъкидлаш лозим. Лекин бошимиздан ўтказган бундай синов ва қийинчиликларга, жазон молиявий-иқтисодий инкирозининг салбий таъсирига қарамадан, ўз ниҳоясига етаётган 2010 йил эл-юртимиз, Ватанамиз учун ҳар жиҳатдан мазмунли, баракали ва омадли бўлди, деб айтишга тўлиқ асосларимиз бор.

Бунинг яққол тасдиғини, аввало, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги санокли давлатлар қаторида иқтисодиётнинг



барқарор ўсиш суръатларига эришиб келаётганида қўриш мумкин.

Айниқса, яқунланаётган йилда галла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик тармоқлари бўйича мамлакатимизда мўл ҳосил етиштирилгани, иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари 108,5 фоизни ташкил этиб, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоизга ошириб бажарилгани бу фикрнинг ёрқин далилидир.

Энг муҳими, ўтган йилда аҳолининг реал даромадлари 23,5 фоизга, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори 32 фоизга кўпайгани халқимизнинг фаровонлиги ошиб бораётганидан далolat беради.

2010 йил — Баркамол авлод йилида амалга оширган кенг қўламли тадбирларимиз фарзандларимиз, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг замон талаб қилаётган даражада билим олиши, интеллектуал салоҳиятини ошириши, тажриба топиши ва ҳаётга ҳал қилувчи куч бўлиб кириб бориши, бир сўз билан айтганда, келажагимиз масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир бўлиши йўлида янги бир қадам бўлди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Олдимизга қўйган эзгу мақсадларга етиш бўйича мамла-

катимиз қандай юксак натижаларга эришган бўлса, ҳеч шубҳасиз, миллати, тили, дини ва этноқодидан қатъи назар, Ўзбекистонимизни ягона Ватан деб, ўзини аямасдан хизмат қилаётган ҳар бир инсон — қайси соҳада, қайси вазифани бажармасин — бу ютуқларда менинг ҳам ҳиссам бор, деб бошини баланд кўтариб юришга, албатта, ҳақлидир.

Бугун мана шундай шуқуҳли айёмда заҳматкаш деҳқонларимиз, меҳнатчи ва зиёлиларимизга, олим ва шифокорлар, жонкуяр ўқитувчи ва мураббийларимизга, жасур ва мард ҳарбийларимизга — мамлакатимиз эртанги фаровон ҳаёти учун меҳнати синган барча-барча юртдошларимизга самимий ҳурматим ва чуқур миннатдорчилигимни билдиришни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун эски йил билан хайрлашар эканмиз, барчамиз “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб ном олган янги — 2011 йилни қут-баракали, омадли ва файзли, юртимизни ҳар томонлама ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизни юксак поғонага кўтаришда янги бир босқич бўлади, деб катта орзу-умидлар билан қутиб олишимиз табиийдир.

Янги йилда иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаган ҳолда, салоҳиятимизни янада мустаҳкамлаш ҳисобидан халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини узлуксиз юксалтиришга қаратилган сиёсатни давом эттириб, аҳолиимизнинг даромадларини ошириш, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорини 25 фоиз кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

Шу борада солиқни сақлаш, таълим-тарбия ва бошқа соҳаларга йўналтирилган маблағлар ҳажмини сезиларли даражада ошириб, давлат бюджети умумий харажатларининг қарийб 60 фоизини айнан ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга ажратиш белгилангани эл-юртимизнинг байрам олди кайфиятини янада кўтарди, деб ўйлайман.

Бундай режалар ҳаммамизни қувонтиради, албатта, лекин бу марраларни қўлга киритишнинг асосий шартлари ҳақида алоҳида айтиб ўтишни ўринли деб биламан.

Нафақат 2011 йилдаги, балки узоқ ва давомли орзу-ниятларимизни амалга оширишнинг яққо ягона шarti, бу — жамиятимизни янгилаш, мамлакатимизни модернизация қилиш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайди демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти барпо этиш бўйича мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб амалга ошираётган, узоқни кўзлаган ислоҳотлар сиёсатини ҳеч иккиланмасдан, қатъият билан давом эттиришдан иборат, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Келгуси йилда мен барчамизнинг энг муҳим бурчимизни шу борада амалга ошираётган ишларимизнинг самарасини янада ошириш учун ҳар қайсимиз ўз жойимизда бир ёқадан бош қикариб, астойдил меҳнат қилишда деб биламан ва сиз азизларнинг барчангизни шунга даъват этаман.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Сизларни бағримга босиб, кириб келаётган янги — 2011 йил билан яна бир бор чин қалбимдан табриқлайман.

Янги йилда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман!

Ўртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!
Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

ИслоМ КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Янги — 2011 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ИслоМ Каримов номига хорижий давлат ва ҳукумат раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ва компанияларнинг бошлиқлари ўзларининг самимий табриқларини йўллашда давом этмоқдалар. Уларда давлатимиз раҳбарига ҳамда Ўзбекистон халқига омонлик, тинчлик ва фаровонлик, соғлиқ ва саломатлик, амалга оширилаётган ишларда улкан ютуқ ҳамда омадлар тилаб, эзгу ниятлар изҳор этилган.

Жумладан, қуйидагилар Янги йил қутловларини йўллашган:

- Канада Генерал-губернатори **Дэвид Жонстон**;
- Люксембург Буюк Герцоги **Анри**;
- Кувейт Давлати Амири **Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**;
- Янги Зеландия Генерал-губернатори **Ананд Сатьянанд**;
- Монголия Президенти **Ц. Элбегдорж**;
- Сурия Араб Республикаси Президенти **Башар ал-Асад**;
- КХДР Давлат мудофаа қўмитаси раиси **Ким Чен Ир**;
- МДХ Ижроия қўмитаси Раиси **С. Лебедев**;
- ОДКБ Бош қотиби **Н. Бордюжа**;
- БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилати (ФАО) Бош директори **Жак Диуф**;
- НАТО Бош қотиби **Андерс Фог Расмуссен**;
- Япония Демократик партияси Бош қотиби, Парламент вакиллар палатаси аъзоси **Кацуя Окада**;
- Васеда Университети Президенти **Каору Камата**;
- Москва Давлат Университети ректори, академик **В. Садовничий**.

Байрам табриқлари келиши давом этмоқда.

ПРЕЗИДЕНТ СОВГАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Нукус шаҳридаги “Дўстлик хибони”да “Президент арчаси” байрам тадбири бўлиб ўтди.

Арча атрофида ижро этилган қўшиқ ва рақслар, театр жамоаларининг чиқишлари болажонларга катта завқ бағишлади.

— Янги йилни катта қувонч билан қутиб олаймиш, — дейди Нукус шаҳридаги 9-умумтаълим мактаби ўқувчиси Айдос Менглимуратов. — Бизларга алоҳида эътибор қаратиб, байрам совғаларини туҳфа этгани учун Президентимизга раҳмат.

Байрам тадбирида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М. Ерниязов қатнашди.

Ҳ. АХМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Гулистонда болажонлар учун “Президент арчаси” байрам тадбири ташкил этилди.

Унга вилоятдаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандлари таклиф қилинди. Таниқли санъаткорлар ва Олим Ҳўжаев номидаги вилоят мусикали драма театри ижодкорлари томонидан тайёрланган байрам томошаси ийгиликларга хушқайфият улашди. Уйин-кулгига бой байрам кечасида кичкинтойларга Президент совғалари топширилди.

Тадбирда вилоят ҳокими О. Ашурматов сўзга чиқди.

Ш. ХОЛМУРОВОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БАРКАМОЛ АВЛОД

мамлакатимизнинг ишончи,
таянчи, гурур ва ифтихоридир

“Ҳар бир фарзандда истеъдод бор, фақат уни уйғота билиш керак”. Президентимизнинг ушбу сўзлари истиқлол йилларида ёшларга қаратилаётган беқиёс эътибор, эъзоз туфайли амалда ўз исботини топмоқда. Бунинг натижасида минглаб иқтидор эгалари кашф қилинмоқда.

Спортда, санъатда, илму фанда, ишлаб чиқариш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда ўзгилгани намоян бўлиб келиб, бундай ютуқлар замирида улларга кўрсатилаётган юксак гамжўрлик муборакбод.

Сарҳисоб

мизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради. Президентимиз айтганларидек: “Бугун ҳеч кимга сир эмаски, биз яшаётган XXI аср — интеллектуал бойлик ҳукмронлик қилаётган аср. Кимки

бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса — бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши мўқаррар. Буни чуқур англаб олган давлат, бундай ҳулосани чиқарган, халқаро ҳам-жамият ва тараққиёт топган мамлакатлар қаторига қўтарилиш учун ҳаракат қилаётган жамият, биринчи навбатда, бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуг, керак бўлса, энг муқаддас мақсад, деб билади”.

Дарҳақиқат, инсон орзу-ҳавас билан яшайди. Айниқса, умр баҳори — ёшлиқда ҳар бир йигитчи қалбиде олам-олам эзгу истаклар жўш уради.

(Давоми 2-бетда).

ИМТИЁЗЛАР ЮКСАК МАРРАЛАРГА УНДАМОҚДА

Президентимиз томонидан 2011 йилнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши биз, тадбиркорларни беҳад қувонтириб юборди. Сабаби, юртимизда тадбиркорлар қўллаб-қувватланаётган, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига солиқ борасида имтиёзлар берилаётган экан, уларнинг иқтисодиётимиз ривожига қўшаётган ҳиссаси янада салмоқли бўлади.

Фахр

Мен раҳбарлик қилаётган Нукус шаҳридаги “Промин-вест” масъулият чекланган жамияти 2002 йилда ташкил этилган. Бу ерда дастлаб фақат мат-

баа хизмати кўрсатилган бўлса, ҳозирги кунга келиб, реклама, дизайн, кўча ва хиёбонларни безаш, иситиш ҳамда советиш ускуналарини ўрнатиш,

(Давоми 3-бетда).

2010 йил — Баркамол авлод йили ортда қолди. Шу дамда оптимизга назар ташлаб, ўтган йилда эришган ютуқларимизни ёдга олсак, сарҳисоб қилсак, кўнглимиз равшан тортиши, шубҳасиз. Қувонарлиси, бу борада ҳар бир юртдошимиз қалбиде самимий ўй-фикрлар, дил сўзлари мужассам.

2010 йил:

МАЗМУНЛИ, БАРАКАЛИ ВА ОМАДЛИ

Юсуф ЗИЯЕВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг 166-йўл машина станцияси темир йўл қуриш механизми машинисти:

— Энг қувончлис, 2010 йили давлатимизнинг юксак

муқофоти — Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдим. Дала-дашлар, чағир тошли тоғ даралари ва ёнбағирлари узра пўлат излар ётқизишдек 34 йиллик меҳнатим Ватанимиз томонидан муносиб тақдирланди. Англадимки, тўғри сўз, ҳалол меҳнат, тинимсиз изланиш ва

интилиш инсонни юксак чўққилар сари етаклайди. Янги йилда Юртбошимизнинг, халқимизнинг олий ишончини оқлаш, мамлакатимизни янада обод ва фаровон бўлиши йўлида белни маҳкам боғлаб меҳнат қиламан.

(Давоми 2-бетда).

ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ХАЛҚИМИЗ ОМОН БЎЛСИН!



(Давоми. Боши 1-бетда).

Бундай беғубор умидлар замирида Ватанга муносиб фарзанд бўлиш истаги мужжасам, албатта. Мамнуният билан айтгимизки, мамлакатимизда билим олиш, спорт билан шуғулланиш, умуман, эртанги кун умиди билан яшаётган йигит-қизлар учун барча шарт-шароит яратиб берилган.

"Биз Окқўрғон туманида яшаймиз, — дея тахририятимизга мактуб ёзди ушбу туманининг "Шохруҳия" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи Эргаш Гофуров. — Бу ерда 7 минг аҳоли бор. 5 та мактаб, битта касб-хунар коллежи ёш авлод ихтиёрида. Мактабларимизнинг барчаси замонавий кўринишда, энг сўнги технологиялар билан жиҳозланган. Ўқув даргоҳларимизнинг ички ва ташқи кўриниши қанчалик мухташам бўлса, у ерда таълим-тарбия олаётган фарзандларимизнинг одобу иқдоми ҳам шу қадар ибратлидир. Биз ўқиган даврдagi ёт гоғларни тарғиб этган, алмисокдан қолган дарсликлар қаёқда-ю, бугуннинг ёшлари қаёқда — ўртада ер билан осмон қадар тафовут бор. Энг муҳими, янги авлоднинг эртасини ўйлаб олиб борилаётган янгиланишлар ўзининг ҳаётий самарасини кўрсатмоқда".

Бу юртимиз фарзандлари камолдан қувонаётган бир инсоннинг фикрлари. Эртанги эгалари эришяётган марралар, забт этаётган чўққилар, табиийки, барча юртдошларимизга ҳам

шу қадар гурур бағишлайди. — Мен истиклол йилларида камол топиб, муваффақиятга эришяётган ёшлар сафида эканлигимдан ҳамиша фахрланиб юраман, — дейди ёш пианиночи Нодира Дадамұхаммедова. — Бугунги кунгача дунёнинг кўплаб мамлакатларида

Таъкидлаш жоизки, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурини амалга оширишда таълим соҳасини ҳар томонлама ривожлантиришга янада эътибор кучайтирилди. Хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг

лига уланди. Бу масофадан туриб ўқитиш усулларини таълим тизимига кенг жорий этиш, ўқувчи ва ёшларга бошқа хил ахборот-коммуникация хизматлари кўрсатиш имконини бериши билан ҳам, айниқса, аҳамиятлидир. Маълумки, шу йили Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган XVI Осиё

спортга бағишлаб, жаҳон ва қитъа мусобақаларида Ўзбекистон байроғини балинд кўтариб келаётган барча мард ва жасур спортчиларга чуқур миннатдорчилик билдириб, катта гурур ва ифтихор билан уларга янги-янги зафарлар тилагани юртдошларимизни беҳад тўлқинлантириб юборди.

Зеро, эътибор бор жойда ўсиш, ўзгариш бўлади. Агар вужудда ҳар қанча истеъод, ҳар қанча иқтидор бўлмасин, у қўллаб-қувватланмаса, асил мақсадга эришиш мушкул. Шу маънода, ёшларимиз бугунги тақдирдан беҳад миннатдор бўлиб, олға интилмоқдалар. Президентимизнинг эътиборлари, ғамхўрликлари оғушида камол топаётган ўзбек фарзандларининг ютуғи улкан ибратдир.

Зотан, ёшларни қўллаб-қувватлаш, иқтидорини юзага чиқариш, қобилиятини тоблаш давлатимизда устувор аҳамиятга эга бўлган масалалардан ҳисобланади. Бундай эътибор ва эъзознинг тафти худди аввалги йилларда бўлганидек, янги 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ҳам ёшларимизга шижоат бахш этиши, табиий. Ўз ўрнида ёшларга қаратилаётган меҳр ва эъзоз туйғуси шу юртининг мусаффо осмони, зилол суви, бекиёс имтиёзу имкониятларидан баҳраманд бўлиб яшяётган ҳар бир фуқарони масъулияти бўлишига ундайди. Бу масъулият шундаки, фарзандимизнинг ўқишидан тортиб хулқ-одобигача назорат қилсак, маҳалламизга кимлар келиб-келмапти, бефарқ бўлмасак, ён қўшниларимизга жон қўшни деб қараб, меҳр-оқибат сингари азалий хислатларимизни улуғласак, мамлакат тинч, дастурхонимиз файли, хонадонларимиз саodatли бўлади. Истиқлол фарзандлари эса Ўзбекистон деб аталмиш юртимизнинг бугуни ва эртаси учун муносиб кишилар бўлиб камол топаверадилар.



Дил сўзи

Яқунланган йил туб ўзгаришлар, орзу-умидлар йили бўлди, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан. Зотан, хали ўттиз ёшга тўлмади, халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашига депутат этиб сайландим.

Шунингдек, ёш тадбиркор сифатида Германиянинг Франкфурт шаҳрида ўтказилган халқро кўргазмада иштирок этиб, у ердан гўшт махсулотларини қайта ишловчи мини-технологияни харид қилиш юзасидан шартнома имзоладим.

Хозирги кунда фермер хўжалигимизни бемалол аргорфирмага қиёслас бўлади. Негаки, мавсумда етиштирилган пахта ва галла ҳосилимизни, асосан, уруғликка топширдик. 100 бош бўрдоқига мўлжалланган камплекси миз ёнида 14 минг дона паррандани парвариш қиладиган йирик жаммуа бунёд этдик. Эндиликда бу ердан тухум ва пархез гўшт махсулотлари нафақат вилоят, балки бутун Фарғона водийси аҳолисига ҳам етказиб берилмоқда.

Буларнинг бари мамлакатимизда биз, тадбиркорлар учун кўрсатилаётган ғамхўрликлар, яратилаётган имкониятлар самарасидир, албатта. Юртбошимиз элининг 2011 йилининг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши эса ҳар биримизни янги марраларни забт этишга ундамоқда.

Дилшод ҲАКИМОВ, Учқўўрқ туманидаги «Ҳақимбой» фермер хўжалиги раҳбари.



Ш. ШАРПОПОВ олган суратлар.

БАРКАМОЛ АВЛОД мамлакатимизнинг ишончи, таянчи, гурур ва ифтихоридир

бўлиб ўтган нуфузли беллашуларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгалладим. Жорий йилда эса Зулфия номидаги Давлат мукофотини кўлга киритдим. Хориждаги тенгдошларимиз бизга ҳавас қилишади. Негаки, улар ўзбек ёшларининг истиклолнинг қисқа даврида кўлга киритган улкан ютуқлари ҳақида тўлқинланиб, хайратланиб гапиришади. Биз бундай ҳавасга муносиб бўлишимиз керак. Бу ҳақда Юртбошимиз Успенский номидаги ўқув даргоҳимизнинг янги биноси очилишида биз, ёшларга уқтирганларидек, мурақаб ва таҳликали вазиятда ҳар бир соҳада изчил ислохотларни амалга оширишнинг ўзи бўлмайди. Чиндан ҳам, телевизор орқали кўриб, интернетдан хабардор бўлиб турибмизки, Ер юзидagi барча мамлакатларда ҳам вазият бирдай эмас. Айрим юртларда кунда-кунора уруш-тўполон, баъзи давлатларда турли инқирозларга дуч келинапти. Бизда эса тинчлик-хотиржамлик ҳукмрон. Мана шундай осуда ҳаётнинг қадрига етиш биз, ёшлардан, айниқса, катта масъулият талаб этади.

амалга оширилиши натижасида 1 миң 536 та академик лицей ва касб-хунар коллежи, умумтаълим мактабларининг қарийб ҳаммаси, 1 миң 800 дан ортқ спорт зали намунавий лойиҳалар асосида барпо этилди ёки капитал реконструкция қилинди. Шунингдек, 2010 йилда Тошкент шаҳрида Турин политехника университетининг янги, замонавий ўқув комплексининг қурилгани ҳам биз учун улкан аҳамиятга эга. Ушбу олий ўқув юрти мамлакатимизда жадал ривожланиб бораётган автомобил саноати ва бошқа тармоқлар учун юқори малакали кадрлар тайёрлайдиган мақсад бўлиб хизмат қилади. Дастур доирасида 2010 йилда 560 та етакчи кластер мактаби қиймати қарийб 6 милярд АҚШ доллари бўлган 13 миң 500 та компьютер техникаси билан таъминланди, 750 дан ортқ қишлоқ мактаби замонавий ўқув-лаборатория усуналари ва мультимедиа воситалари билан жиҳозланди, 1,5 миңта қишлоқ мактаби ўқитувчилари умумий қиймати қарийб 13 милярд АҚШ доллари бўлган 3 миң 400 та шахсий компьютер билан таъминланди. Айни пайтда мамлакатимиздаги барча, яъни 12 миңдан зиёд таълим муассасалари, илмий ва маданий-маърифий ташкилотлар 25 миңдан ортқ ўқув материаллари ва ресурсларни ўз ичига олган Таълим порта-

лийларида юртимиз спортчилари нафақат қитъамиз, балки дунё миқёсида ҳам тан олинган кудратли давлатларнинг вакиллари билан кескин беллашуларда 11 олтин, 22 та кумуш, 23 та бронза медалини кўлга киритди, умумжамоа ҳисобида саккизинчи ўринни эгаллаб, кучли ўнликдан жой олишди. Президентимиз Асосий Қонуни-ми қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантананда Баркамол авлод йилида спортчиларимиз эришган ютуқларни ўзгача гурур билан алоҳида таъкидлаб, шундай дедилар: "Бугунги фурсатдан фойдаланиб, халқро майдонларидан Ватанимиз шон-шухратини бутун дунёга тараннум этаётган истеъодли ёш спортчиларимиздан айримларининг номиларини ҳурмат билан тилга олишдан мамунман. Кўзга кўринган спортчиларимиздан Ришод Собиров, Рустам Қосимжонов, Владимир Тўйчиев, Вадим Меньков, Дилшод Мансуров, Юлия Тарасова, Артур Таймазов, Элшод Расулов, Светлана Радзивил, Серик Мирбеков, Герасим Кочнев, Сергей Борзов, Алексей Бобожонов, Вячеслав Горн, Алексей Мочалов каби ёшларимиз Осиё ўйинларида олтин медаль ҳоли бўлдилар..." Давлатимиз раҳбарининг спортчиларимиз эришган ана шундай ютуқларни эътироф этиб, ўз ҳаётини

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дилшод САПОЕВ, ўқитувчи, Хонқа тумани:
— Кўндан бунён оилам учун яқка тартибда уй-жой қуришни орзу қилиб юргандим. Президентимиз қарори асосида бизнинг Қўрқеп қишлоғимизда ҳам намунавий лойиҳалар асосида замонавий ту-



2010 йил: МАЗМУНЛИ, БАРАКАЛИ ВА ОМАДЛИ

ражойлар бунёд этилишини эшитиб, қувондик. Жамғариб юрган пулимдан бошлангич бадални тўладим. Қарабизки, ортқча оврагарчиликларси барча қулайликларга эга тайёр иморат эгаси бўлдим. Янги уйнинг қолган пулини 15 йилда тўлаймиз. Биз учун яна бир қувончлиси, укам Даврон ҳам ана шундай намунавий тураржой соҳиби бўлди. Янги йилни янги уйда, оиламиз даврасида қарши олдик. Бу ҳаётимизда ўчмас из қолдирди. Эшитишимизча, бундай катта қувонч Хоразмда яна 530 та ёш оилага насиб этибди.

Эрон, Аргентина терма жамоаларини доғда қолдирдик. Ўзбек футболнинг доғруғи оламга яна бир бор ёйилди. Шундан сўнг мамлакатимизга қайтгач, бир гуруҳ жамоадорларим қатори мен ҳам Юртбошимиз Фармонига мувофиқ, "Жасорат" медали билан тақдирландим. Янги йилни ана шундай юксак муваффақиятлар билан қарши олар эканман, хаёлимдан бир ўй ўтди: мамлакатимизда ҳар бир инсон юксак эътибор ва эъзоздадир.

Муҳаммадзоз АРАПОВ, «Байналминал» ноғиронлар футбол клуби аъзоси, Хонқобод шахри:
— 2010 йил ҳаётимда қувончли воқеаларга бой бўлди. Аргентинада футбол бўйича ноғирон-ампутантлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси иккинчи бор жаҳонда тенгсиз эканини исботлаб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Биз Бразилия, Англия, Туркия,

Абубакр УЗОҚБОЕВ, Нукус олимпия захиралари коллежи ўқувчиси:
— Спортда эришган ютуқларим салмоғи йил сайин ортқ бормоқда. Утган йилларда ўсмирлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон биринчилиги, ўсмирлар жаҳон кубогига беллашуво мадоники, "Катта Москва регатаси" халқаро беллашуво голибика эришдим. Буни, энг аввало, мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик самараси, деб биламан.

Равшан МАМАДИЕВ, «Наманган ҳақиқати» газетаси муҳбири:
— Яқунланган 2010 йилда ижодий меҳнатни, журналистика соҳасидagi кўп йиллик фаолиятим муносиб баҳоланиб, Ватанимизнинг юксак мукофоти — "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист" фахрий унвонига сазовор бўлдим. Бу, энг аввало, юр-

тимизда инсон қадрини, манфаатларини, унинг орзу-инти-лишлари юксак эътибор ва эъзозда эканлигининг нишониси, деб биламан. Табиийки, меҳнатим эътирофи ижодий тафаккуримга қувват, эл-юрт равнақини йилдаги ҳаракатларимга ғайрат бағишлайди.

«Халқ сўзи» муҳбирлари ёзиб олди.

«Янги йилни янги уйда нишонлаётимиз»

- Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорига мувофиқ, намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган замонавий тураржойлар кулайлиги, яратилган шарт-шароитлар билан қишлоқ аҳлига манзур бўлмоқда.
- Хусусан, Қарши туманидаги «Янги Хонқобод» массивида фойдаланишга топширилган уй-жойлар уларнинг эгаларига айни Янги йил совғаси бўлди.

монхона, ўғил ва қиз болалар учун алоҳида хоналар, ошхона, хуллас, бир оила учун нимаки зарур бўлса, барчаси бор. Бундай ғамхўрлик, имконият ва шарт-шароитлар учун Юртбошимиздан беҳад миннатдоримиз. Меъморий тарҳи ва қуриш технологияси жиҳатидан жуда кўркам ва намунави бўлган мазкур уй-жойларнинг лойиҳалари ўтган йили пойтахтимизда ташкил этилган кўргазмада мутахассислар томонидан юқори баҳоланган эди. Мазкур лойиҳалар қурилиш жараёнида ҳаётий талаблар асосида янада мукаммаллашди. Жумладан, 2009 йилда Қаш-

— дейди қашқадарёлик муаллима Фотиما Саодатова



қадарё вилоятининг 5 та туманида 100 та намунавий уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, 2010 йилда 735 та уй-жой барпо этилди. 2011 йилда эса ана 805 та уй қурилиши режалаштирилган. "Қишлоқ қурилиш инвест" ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компаниясининг вилоят филиалидан олинган маълумотларга кўра, ана шу намунавий уй-жойлар электр энергияси, тоза ичимлик суви, табиий

газ билан узлуксиз таъминланмоқда. Ушбу ҳудудларда яқин келажакда турли маданий-маиший бинолар, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам қад ростилади. Бу қишлоқ жойларда аҳоли турмуш фаровонлиги ва яшаш шароитларини янада яхшилаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларнинг амалий ифодасидир.

А. МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

СУРАТЛАРДА: янги уй соҳибаси Фотима Саодатова фарзандлари Мафтун ва Нозима билан байрамни нишонлашга хозирлик кўрмоқда. "Янги Хонқобод" массивида қурилган уйларнинг умумий кўриниши.

Ш. ШАРПОПОВ олган суратлар.

Қарор ва ижро

— Янги йилни янги уйда нишонлаш бахтига муяссар бўлганимиздан хурсандимиз, — дейди Қарши шаҳридаги 5-мактаб ўқитувчиси Фотима Саодатова. — Илгари кўп қаватли уйда яшардик. Ҳовли-жойли бўлиш орзунимиз эди. Мустақиллик шарофати туйғайли, мана, шу



ниятимиз ҳам ижобат топди: "Қишлоқ қурилиш банк"-дан 15 йил мuddатга олинган имтиёзли кредит эвазига 6 сотихли, 4 хонали уй олдик. Бу ерда кенг меҳ-

Ботир ТОЖИЕВ, Тошкент педиатрия тиббиёт институтини Болалар юқумли касалликлари кафедраси мудирини, доцент:

— Янги йил байрамини, айниқса, болажонлар жуда интиқиб кутишади. Фарзандларимиз бу кунни ўзлари хоҳлагандек шоду ҳуррам ўтказишлари, ота-оналар эса 2011 йилни хотиржамликда қарши олишлари учун биз, шифокорлар байрам арафасида профилактика тадбирларини ўтказдик. Жумладан, мактаб ўқувчилари ўртасида тушунтуриш ишлари олиб борилди, хонадонларга тўғри овқатланиш, иссиқ кийиниш борасида ишлаб чиқилган тавсияномалар тарқатилди.

Бу каби саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, шу пайтгача ўткир касалликлар бўйича мурожаатлар келиб тушмади. Шундай бўлса-да, кафедрамизнинг 15 кишилик жамоаси ўз иш жойидан кетмасдан, санитария-эпидемиологик ҳолатни ушлаб туриш, мабодо болаларда касаллик белгилари учраса, дарҳол уларга ёрдам кўрсатиш учун шай турибди. Жамоамиз аъзолари эртага ҳам ишда бўлишади. Бизнинг ушбу хизматимиз юртдошларимизга Янги йил байрамини кўнглили ўтказишга кўмак беради, айни мuddада.

— Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик ҳукм сураётган бугунги кунда байрамларнинг гаши булакча. Ана шундай дориламон кунларда халқимизнинг қувончига шерик бўлиш биз, ички ишлар ҳодимлари учун ҳам шарофли, ҳам масъулиятлидир. Шу боис Янги йил байрамини эл-юртимиз оройишта, хотиржам кутиб олишига ҳаракат қилаёимиз.

Азиз ЯМБАЕВ, «Регистон» тезоравр поезди бошлиғи:
— Тошкентдан соат 18.20 да йўлга чиққан поездимиз байрамни қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида нишонлашга аҳд қилган чет эллик меҳмонлар ва юртдошларимизни 21.50 да манзилга олиб келди. Амалга оширилган бу рейс нафақат мен етакчилигимдаги 12 нафар вагон қузатувчиси,

байрам кунларида жамоат тартибни сақлаш, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш мақсадида хушёрликни янада ошириб, ўз постимизда сергақ тураимиз. Зеро, халқимиз бизга "Эл-юрт оройишталиги посбонлари" дея юксак баҳо берган экан, бунга муносиб бўлиш, аҳолининг байрамни тинчлик ва хотиржамликда кутиб олишини таъминлаш олий мақсадимиз, касбий бурчимиздир.

балки 200 нафарга яқин йўловчилар учун ҳам жуда мароқли бўлди. Соҳадаги энг сўнги ютуқларни ўзида мужжасам этган олти вагонли поездимизда йўловчилар учун барча қулайлик яратилган. Биз йўловчиларга байрам кайфиятини улаштириш мақсадида вагонларни байрамона қилиб безатдик. Бу ердаги шарт-шароитдан, техник-санитария ҳолати, айниқса, қузатувчиларнинг хушмуомалалиғи, ўз ишига масъулият билан ёндашиши чет эллик меҳмонларда катта таассурут қолдирди. Уларнинг хизматимизга берган юксак баҳоси жамоамизнинг кайфиятини кўтариб юборди. Ана шундай хушқайфият билан Янги — 2011 йилни кутиб олди.

С. РАҲМОНОВ ёзиб олди.

ИМТИЁЗЛАР ЮКСАК МАРРАЛАРГА УНДАМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

курулиш ва таъмирлаш сингари ўндан зиёд хизматлар амалга оширилмоқда. Бу борада бизга Германиядан лизинг асосида 50 миллион сўм эвазига харид қилинган замонавий технологик линия қўл келтир. Бунинг натижасида жорий йилнинг тўққиз ойи давомида 127 миллион 239 минг сўмлик иш бажаришга эришдик.

Бундан ташқари, айни кунларда ичимлик сувини тозалаб, уни қадоқланган ҳолда буюртмачиларга етказиб бераётган бўлсак, тез орада қурилиш материаллари ва мебель ишлаб чиқаришни ҳам мўлжаллаб турибмиз. Шунинг натижасида жамоамизда яна 10 нафар маҳаллий ёш иш билан таъминланади.

Зеро, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили бизни шундай хайрли ишларни рўёбга чиқаришга даъват этмоқда.

Сарахон ҚОЙЛИБАЕВА,
«Шухрат» медали соҳибаси.



БАХТИМ ШУКИ, ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДИМАН

Ўзбекистон жаҳон тиллари университетига таълим олиб юрган кезларим талабаларнинг хитой тилини пухта ўзлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида ташкил этилган танловда юқори натижага эришиб, Пекин шаҳрида бўлиб ўтган халқаро танловда қатнашдим. Шундан сўнг ўқишни Хитойдаги Джилин университетида, сўнгра Шанхай шаҳридаги Фудан университетида давом эттирдим.

Бу каби халқаро танловларда қўлга киритилган муваффақиятлар жаҳон кезишим, турли халқлар ва миллатлар қадриятлари, урф-одатлари билан танишишимда гоят қўл келди. Ифтихор билан айтишим мумкинки, бугун қўллаб тенгдошларим ҳам халқаро танловлар, илмий анжуманларда иштирок этиб, юртимиз шарафини ҳимоя қилапти. Энг ривожланган давлатлар талабалари билан белишиб, ҳеч кимдан кам эмасликларини амалда исботлашмоқда. Шунинг баробарида, Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятини, урф-одатлари, миллий қадриятлари, ёшларга яратилаётган чексиз имкониятларни намойён қилишяпти.

Яқунланган йил кўплаб тенгдошларим қатори мен учун ҳам эсда қоларли бўлди. Хусусан, бу йилда номзодлик ишимни ниҳоясига етказдим. Эрта-индин уни ёқлашга тайёрланаяпман.

Буларнинг барчаси мустақиллигимиз шарофати, Юртбошимизнинг ғамхўрликлари натижасидир. Шундай экан, бугун халқаро микёсда ҳам эътироф этилаётган тенгдошларимиз билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди.

Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятларини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаганликлари биз, ёшларни ғурурлантириб юборди. Зеро, эътибор бор жойда янгиланиш бўлади, ёшлар камол топаверади.

Марғуба СИДДИҚОВА,
Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетининг шарқ тиллари кафедраси мудири.

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА КАМАРБАСТАМИЗ

Мана, яна бир йил яқунланди. Демак, ортага бир назар ташлаб, ўтган давр мобайнида қандай ишларни амалга оширдик, дея ўз меҳнатимизга баҳо беришнинг фурсати етди. Шунинг мамнуният билан айтиш керакки, ортага қолган йилда юртимиз мулкдорлари томонидан мисли кўрилмаган ютуқлар қўлга киритилди.

Масалан, ўзимиздан қиёс: галла ва пахта етиштириш бўйича шартнома режаларини ортиги билан уйдаладик. Юртимиз хирмонига 100 тоннадан зиёд пахта хом ашёси, 45 тонна галла етказиб бериб, бунинг эвазига тегишли равишда 50 млн. ва 15 млн. сўмдан даромад олдик. Бундан ташқари, галла ҳосилидан бўшаган майдонларда такрорий экин сифатида 6 гектар ерда сабзи, икки гектар ерда қарам, шунча майдонда турп, бир гектар майдонда картошка эқдик. Уч гек-

тар майдонда парваришланган пиёздан гектар ҳисобига 300 центнердан ҳосил йиғиштириб олдик. Натижада даромадимизга яна 10 миллион сўм қўшилди. Бу билан хўжалигимиз аъзолари тадбиркорлик билан иш юритилса, бир даладан икки ва ундан зиёд ҳосил етиштириш мумкинлигини амалда исботладилар.

Гурур

Бугунги кунда фермер хўжаликлари деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш билан бирга, уни қайта ишлашга ҳам ихтисослаштириш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Шундан келиб чиқиб, ўтган йили биз пиченёе ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ҳозир беш нафар киши кунига 300 килограмдан зиёд шундай маҳсулотни эл дастурхонига етказиб бермоқда.

Шу билан бирга, қишлоғимиз гузариди темирчилик устахонасини қуриб битказдик, айни кунларда эса беш минг бош товуққа мўлжалланган паррандачилик фермасини ташкил этиш тадбирини кўраяпмиз.

Жорий йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб номланиши, шубҳасиз, иқтисодий тараққиётимизда янги босқични бошлаб беради. Биз эса бу тараққиёт йўлида камарбаста бўламиз.

Шавкат БОБОЖОНОВ,
Хива туманидаги «Қодир Бобожон» фермер хўжалиги раҳбари.

«Агробанк» ОАТБ

Ўз лекциядорлари, мижозлари ва барча қўлмўртларамизни

Янги — 2011 йил билан сизнинг ҳам тараққиёт йўлингиз!

Биз билан қўлмўртларингизни қўлай қўйишнинг янги усули.

- Visa Card — дунё бўйлаб молиявий эркинлик.
- Пул ўтказмалари — тез, оддий ва мижозчи.
- Кўндалик шакллар учун юқори фомали депозит сертификатлар.
- Депозит кативчалар — қимматли бойликларингизнинг қафолатли сақланиши.
- Пластик картонка — замонавий ва ишсиркли турлов воситаси.
- Пул омонатлари — даромадингизни қўлай қўйишнинг мижозчи усули.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ

Бизнинг хўжалигимизнинг тараққиёт йўлида

бағрикенг, бунёдкор халқимизнинг, янги дамдорларнинг, ўз хизматчиларининг

Янги — 2011 йил билан самимий қутлайдан.

Биз билан қўлмўртларингизни қўлай қўйишнинг янги усули.

ЮТУК



Зиёли оиласидан чиққаним учунми, болалигимдан ўқиш-ўрганиш менинг сеvimли машғулотим эди. Илк устозларим — ота-онам ўқитувчи бўлганлиги ҳам менинг бахтим, албатта. Мундоқ ўйлаб қарасам, илм чўқсанини эгаллаш учун инсондан жуда муҳастаҳкам ғирода, сабот ва матонат талаб этилар экан. Бу йўлда тиниб-тинчимаслик ижодий фаолиятимда янги-янги куртаклар оча бошлади. Инглиз тили, тарих фанларини чуқур мутулаа қилдим.

Кувончим чексиз

Вилоят ва республика миқёсидаги кўрик-танлов, фестиваль ҳамда форумларда иштирок этиб, лўпчиликнинг эътиборига тушдим. Ёшлар йилида Зулфия номидаги Давлат мукофоти учун ўтказилган танловда голиб чикдим. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган мана шундай юксак мукофотга сазовор бўлганлигим, Зулфия-хоним қизлари сафида борлигимдан кўнглим фахр-ифтихорга тўлади.

га ундайди. Тенгдошларим ҳақида ёзилган биринчи китобим — “Зулфияхоним издошлари” нашрдан чиқди. Хозир эса Қашқадарё тарихини ўрганиш бўйича илмий иш олиб бораёяман.

Юртимизда иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, уларнинг ўз истеъдодини тўла намоён этишларига шунчалик эътибор берилганлиги, бунинг учун барча шарт-шароит яратилганлиги ёшларни ўз устида янада кўпроқ ишлаш, изланишга рағбатлантиради. Мана шу имкониятлардан самарали фойдаланиб, келажакда етук тарихчи сибсатсиз бўлиш, мустақиллигимизни муҳастаҳкамлашга муносиб ҳисса қўлишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман.

Нилуфархон АББОСХОНОВА, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиб.

ОСОЙИШТА ВА ФАРОВОН ҲАЁТ ЗАВҚИ



Бугун юртимизда қутлўғ Янги йил айёми кенг нишонланмоқда. Шаҳару кишлоқларда, оилалар даврасида шоду хуррамлик, хурсандчилик кайфияти ҳукмрон. Зеро, биз кириб келаятган йилни эзгу ният ва мақсадлар билан кутиб олаяпмиз, дилимизда янгидан-янги орзулар бўй чўзмамиз. Байрам арафасида пойтахтимиз кўчалари, муаззам шаҳарнинг диққатга сазовор гўшаларини зиёрат қилиб юрган юртдошларимиз билан сўхбатлашганда, бунга яна бир бор амин бўлдик.

Холқиз ая РАҲМОНОВА, фахрий ўқитувчи: — Халқимиз байрамлари, тўю тантаналарни яхши кўради. Қўлни дуога очганимизда ҳамиша юртимизда тинчлик барқарор бўлсин, топган-тутганимиз тўйларга буюрсин, дея тилак билдирамиз. Мана, биз, бир гуруҳ фахрий ўқитувчилар ҳам бугун йиғилишиб, Урта Чирчиқдан Тошкенти азимга саёхатга келдик. Мустиқиллик майдонини зиёрат қилиб, кўнглимиз янада равшан тортиди. Майдонни кезаятган бахтиёр оилалар, дилкаш, навқирон йи-

Айём кувончи

гит-қизлар, шириндан-ширин бола-жонларни кўриб, ич-ичиндан кувончи кетасан, киши. Тинчлик-осойишталик, осуда ва фаровон ҳаёт дегани, шу эмасми, ахир?!

Фотима ва Отамурод МАННАТОВлар оиласи:

— 2010 йил бизнинг ҳаётимизда кувонч ва шодликларга тўла йил сифатида ўчмас из қолдириди. Фарзандли бўлдик, унга Дилнозаҳон деб исм

қўйдик. Ота-она бўлишнинг масъулияти катта экан. Қизалоғимизни яхши тарбия қилсақ, соғлом, баркамол бўлиб вояга етса, дунёдаги энг бахтли қиз бўлса, дейимиз. Бу йўлда ҳеч ҳам ҳормай меҳнат қилишга, ҳаётда фақат олға интилишга тайёрмиз. Янги йилда амалга оширишни режалаштирган ишларимиз бисёр. Дилимиздаги эзгу ниятлар рўйбга чиқшини Яратгандан тилаймиз.



Мучал Шарқий ва Марказий Осиё мамлакатларида кенг тарқалган йил ҳисобидир. Қадимий ёзма манбаларда келтирилишича, у Юнон-Бақтрия подшолиги даврида кўчманчи чорвадор халқлар томонидан яратилган. Сўнгра Мўғулистон, Хитой, Япония, Ҳиндистон, Миср, Ироқ, Эрон, Афғонистон, шунингдек, Урта Осиё давлатларида юри-тила бошланган.

Умида КАРИМБЕРДИЕВА, талаба:

— Биз Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида тахсил оламиз. Институтидаги дарслар жараёнида кўҳна Тошкентнинг кўлаб зиёратгоҳ гўшалари тарихини ўрганамиз. Шу боис Ҳастимом мажмуасига, дунёга донги кетган музейларимизга бордик. Кейин эса Мустиқиллик майдонини “Эртақлар шаҳарчаси”да сайр қилдик, суратга тушдик, концерт томоша қилдик. Таассурларимиз бир олам, бу байрам бир умр ёдимиздан чиқмаслиги аниқ.

2011 йил

УМРБОД ЁДИМДА ҚОЛАДИ

Биз учун истиқлолнинг ҳар бир йили, ҳар бир куни қадрли. Юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осойишта ҳаёт туфайли барчамиз дилимиздаги эзгу ниятларимиз рўйбга чиқаяпмиз, мақсадларимизга эришаяпмиз. Бундан бир йил муқаддам катта орзулар билан 2010 йилни қарши олгандик. Табиийки, у халқимиз ҳаётида, шу жумладан, менинг шахсий ҳаётимда бир умрга эслаб юрадиган ширин хотираларни қолдириди.

Кўча-кўйда таниган-билганларим, маҳалладошларим, спорт ихлосмандлари билан учрашиб қолсам, сўхбатимиз мавзуи, албатта, 2010 йил ёзида Жанубий Африка Республикаси яшил майдонларида бўлиб ўтган футбол бўйича жаҳон чемпионатидаги иштирокимга бориб тақалади. Уларнинг бу борадаги илқ фикрлари, муносабатлари кўнглимни тоғдек кўтарди, қ а л б и м г а ўзгача кувонч бағишлайди. Айниқса, ҳали эсини таниб улгурмаган жажжи болажонларимизнинг исмиини айтиб, “Сизга ўхшаган ҳақам бўлмоқчиман”, деган сўзларини эшитсам, севинчимдан ичимга сиймайман.



Туйғу

Айтишим лозимки, бундай эътиборга, муваффақиятларга ўз-ўзидан эришганим йўқ. Юртбошимизнинг спорт соҳаси ривожини йўлидаги беқимёс ғамҳўрликлари бу ўринда катта аҳамиятга эга бўлди.

ФИФА мутасаддилари жаҳон чемпионати ўйинларини бошқаришга МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари орасидан ягона вақил сифатида мени тақлиф қилишганида, ҳатто, айрим хорижлик спорт мутахассислари бунга ажабланиб қарашди.

Қатор нуфузли чет эл нашрларида “Шунча давлат туриб, нега айнан Ўзбекистондан ҳақам чақирилди?” деган мазмундаги мақолалар ҳам чоп этилди. Ўзимни кўлга олдим, ҳаёлимни бўлмадим, бор эътиборимни фақат ўйинларга қаратдим. Президентимизнинг “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз” деган гаплари бунда менга катта далда бўлди. Ана шу куч ва ишонч билан

чемпионат давомида бир эмас, бешта муҳим учрашувни бошқардим. Яқунда Халқаро футбол ассоциациялари Федерация раҳбарлари, қолаверса, менга ишонқирамай қараганларнинг ўзидан илқ фикрларни эшитдим.

Жаҳон чемпионатидан қайтганимизда, халқимиз катта тантана билан кунинг олди. Гарчи санолимиз эрта тонгда келиб кўнган бўлсада, “Тошкент” халқаро аэропортига минг-лаб спорт мухлислари йиғилган экан. Уларнинг бизни очик чеҳра билан, хурсанд кайфиятда қарши олиши ва кўнглимизни тоғдек кўтарди.

Давлатимиз раҳбари Фармонига биноан “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони билан тақдирландим. Бу ғамҳўрликлар олдида мен ўзимни ҳамиша қарздор деб биламан ва келгусида ҳам Ватанимиз довуғини дунёга танитишга ҳаракат қиламан. Яқинда Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида ОФКнинг мавсум якунларига бағишланган тадбири ўтказилди.

Унда мени учинчи бор “Осиёнинг энг яхши ҳақами” деб эълон қилишгани, шубҳасиз, Ўзбекистон спортига берилган баҳодир.

Фарзандли бўлиш, уни тарбиялаш ва келажакда камолини кўриш ҳар бир ота-онанинг орзуси. Баркамол авлод йиллида менга ана шу бахт насиб этди. Янги йил 2011 йил арафасида эгиз фарзанд — бир ўғил, бир қизнинг отаси бўлдим. Жудаям хурсандман. Фарзандларим келажакда қайси касбни танлашларидан қатъи назар, шу юртга муносиб бўлишса, Ватанимиз раванкига ўз хиссаларини қўлишса, бундан ортиқ саодат йўқ.

2010 йилни ёдга олганда, ана шу кувончини лаҳзалар бир-бир ҳаёлимдан ўтади. Ниятим, 2011 йил ҳам халқимиз учун янги зафарлар йили бўлсин. Оилаларда файзу барақа, хотиржамлик ҳукми сурсин.

Равшан ЭРМАТОВ, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиб.



Бахт ва кувонч оғушида.

Ҳасан ПАЙДОЕВ сурат-лаҳзаси.

2007 йилнинг куз фаслида икки ёш астроном — Баҳодир Хафизов ва Алексей Сергеев Кўёш тизимида мавжуд, аммо ҳали дунё фани илғамаган янги сайёрани аниқлашгани. Жорий йилда ушбу само жисми Президентимиз тақлифи билан “Самарқанд” деб аталди. Шу тарихи кўқда парвоз қилиб юрган “Ўзбекистония”, “Авиценна”, “Улўғбек” ва “Хоразмий” каби кичик сайёралар ёнига “Самарқанд” ҳам қўшилди.

Бир гуруҳ олимлар Миср эҳромларининг бунёд этилишига оид қизиқарли маълумотни ошкор этишди. Яъни мазкур биноларни қуришда тошга айланадиган махсус суяк-ликдан фойдаланилган. Чун-

Ўқинг, қизиқ!

ки қурилиш техникалари бўлмаган ўша даврда бу каби бунёдкорлик ишлари шу йўл билан амалга оширилган бўлиши мумкин.

Индонезияда аҳолини қайта рўйхатга олиш жараёнида 120-150 ёшдан ошган одамлар яшаётгани аниқланди. Уларнинг сони икки минг нафардан ортиқ бўлиб, Суматра ва Катеди оролларида истиқомат қилишмоқда.

Қора денгиз тубидан ер юзидаги ягона сувоти дарёси топилиди. Унинг узунлиги 68 километр бўлиб, эни 926 метрга, сув оқимининг тезлиги эса соатига 7,5 метрга тенгдир.

СИРСИНОАТГА ТЎЛА ДУНЁ

Наманган шаҳридаги Алишер Навоий номидаги вилоят мусиқали драма театри ҳудудидан фанга маълум бўлмаган йирик жонзотнинг бош суяги топилиди. У бир неча минг йиллар аввал яшаган айтилмоқда. Топилма қаркидонлар оиласига кирувчи динозаврларнинг сўнги авлодига мансублиги тахмин қилинмоқда.

Мутахассислар жаҳонда кузатилаётган глобал иситиш жараёни даракларининг икки-уч баравар тез ўсишига сабаб бўлаётганини маълум қилишди. АҚШлик эколог-олим Жеффри Паркер Мэри-

ленд штати ўрмонларида йигирма йилдан ошмироқ вақт мобайнида олиб борган кузатишлари натижасида даракларнинг диаметри ҳар йили 60 сантиметрга кенгаётганини аниқлади.

Кўпдан бери оммани қизиқтириб келган Буюк Хитой деворининг муҳастаҳкамлиги сири маълум бўлди. Мутахассислар олиб борган тадқиқотлар якунига кўра, уни бунёд этишда гуручдан фойдаланилган. Мазкур махсулотдаги ёпишқоқлик хусусияти иншоотнинг пишиқлигини таъминлаган.

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.



31 декабрь. Кечқурун болакай онасига дебди: — Ойжон, келинг, соат 11:30 да “Янги йил!” Янги йил!” деб бақирамиз! — Нега, жиннивий? — Кўшнилариимиз Янги йил бизниқига эрта-роқ кириб келди, деб ўйлашсин-да.

«Эскирган» пишириқ

ЙХХ ходими жуда тез келаятган машинанинг йўлини тўсибди. — Каёққа бунча шошаяпсиз? — сўрабди у ҳайдовчидан. — Уйга. Дўстларим билан Янги йилни нишонлаб, анча кеч қолиб кетибман. Хотиним хавотир олаётган бўлса керак! — Эсингиз жойидими? Хозир май ойи-ку?! — Шунинг учун шошаяпман-да!



1 январь куни эрталаб соат 7 да нон махсулотлари сотиладиган дўконга бир киши кириб, — Анави пишириқларингиз янгиими? — Йўқ, ўтган йили келтирилган.

— Янги йилни қандай кутиб олдинг? — Билмадим, ҳали менга айтиб беришмади.

Кулги бекати

Меҳмонлар Янги йил дастурхони устида ўтириб қолишганида, ҳеч бири уйига кетади демасмиш. Уй бекаси эса нима қилишга ҳайрон. Ҳайдай деса одобсизлик... Шу вақт телефон жиринглабди. Гўшакни кўтара туриб, аёлнинг калласига бир фикр келибди. Кейтиб келибди-да, меҳмонларга бақарибди: — Ёнгин! Ёнгин!!! Меҳмонлар бир овоздан: — Кимникида? — Эшитолмай қолдим! Бит-таларингникида!

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 103. 73619 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибиат 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.45 Топширилди — 20.45

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпнов. Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов. Навбатчи — М. Охунова. Мусахҳиҳ — С. Исмолов. 1 2 3 4 5